



2020 у « 4 » июнь

№ Қ-244

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Термиз тумани “Янгиобод” маҳалласи  
худудидан “Шахруз Намуна Сардори”  
оилавий корхонасига “Иссиқхона  
биноси”ни қуриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/261-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 13 майдаги 209/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/261-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Янгиобод” маҳалласи худудидан “Шахруз Намуна Сардори” оилавий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 85-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 39,2 балл бонитетли жами 4,7 гектар шундан 4.6 гектар суғориладиган экин ер ва 0,1 гектар ариқ ва зовурлар билан банд бўлган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун вақтинчалик (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Шахруз Намуна Сардори” оилавий корхонаси бошлиғи Б.Амановга:

ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов